O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI BALIQCHI TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 14 - iyul 149-1-18-Q/22 Baliqchi tuman hokimligi

Балиқчи туманида дам олиш кунларида ярмаркаларни ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Балиқчи туманида дам олиш кунларида ярмаркаларни ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 28-августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан, қарор қиламан:

1. Балиқчи туманидаги фуқаролар ўзини-ўзибошқариш органларининг ярмаркалар ўтказиш бўйича берган таклифларини инобатга олиб, “Балиқчи деҳқон бозори” МЧЖ ва “Чинобод деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудларида ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача ярмаркалар ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашда олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши; ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши; ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд

бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин: товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома); сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Балиқчи деҳқон бозори” МЧЖ ва “Чинобод деҳқон бозори” МЧЖ маъмурияти: ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг умумий савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини; ярмаркалар учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини; ярмаркалар ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Туман давлат солиқ инспексияси (Т.Каримов) ҳар якшанба кунлари ярмаркалар ташкил этиш учун жой ажратилганлигини, ўтказилаётганлигини ҳамда ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ҳамда ярмаркаларда товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6. Туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими (М.Ахмаджонов) ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари, нормалари ва гигийена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Туман Ички ишлар бўлими (Н.Билолохунов) бозор ҳудудида ярмаркалар ўтказиладиган кунда жамоаттартибини сақлаш бўйича зарур чоратадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Каримов) мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

Baliqchi tuman hokimi **J.Abdurayimov**